

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

2025 йил март ойининг 19 куни жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг, очиқ суд мажлиси ўз биносидида бўлиб, раислик қилувчи судья З.Ахмедова, судья ёрдамчиси Т.Собировнинг котиблигида, тарафлардан Самарқанд шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси И.Қувондиқов, судланувчи Ғ.Т.Туракулов ва унинг ҳимоячиси адвокат М.Шукуров, жабрланувчилар А.Давронов ва У.Бешимоваларнинг иштирокида, Туракулов Ғолиб Толибовичга нисбатан № 1-1401-2502/172-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Туракулов Ғолиб Толибович (Turakulov G'olib Tolibovich), 2004 йил 21 август кунида Самарқанд шаҳрида туғилган, тожик, ўзбек тилини мукамал билади, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти тугалланмаган олий, Зармед университети Фармация йўналиши 1 босқич талабаси, бўйдоқ, судланмаган, ишсиз, Самарқанд шаҳри, “Амир Темура” маҳалласи, Мухаммад Султон кўчаси, 57-уйда яшайди, иш бўйича эҳтиёт чораси тариқасида “гаров” қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 14.03.2025 йилда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчилар ва гувоҳнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара нутқларини, судланувчининг охириги сўзини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ҳамда ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Туракулов Ғолиб Толибович, ўзганинг мулкани алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан талон-торож мақсадида, 2024 йил сентябрь ойида Ахророва Феруза билан танишиб, ўзини расмий равишда оиласи бўлсада, уни яхши кўришини, келажакда бирга бўлишларини айтиб ишончига кириб, гўёки Россияда яшовчи иккинчи онаси касал бўлганлиги учун унга зудлик билан пул кераклигини ва пулни Россияга юборишлигини, шунингдек ўзи “саратон” касаллигига чалинганлиги, даволаниши учун дархол пул кераклигини ёлғон айтиб, аслида Ф.Ахроровани соддалигидан фойдаланиб, ўзини шахсий манфаатлари йўлида жиноий йўл билан тез ва осон моддий бойлик орттириш учун уни алдаб, 2024 йил ноябрь ойининг бошларидан 2024 йил 15 декабрь кунига қадар умумий мақсад билан қамраб олинган жиноий ҳаракатлари оқибатида таниши Ф.Ахроровадан Самарқанд шаҳар С.Айний кўчасидаги “Зармед” хусусий университети олдида, жами баҳоси 800 АҚШ долларлик 3 дона аёллар тақинчоқларини ва 8100 АҚШ доллар нақд пулларини, жами Ўзбекистон миллий валютаси 113.869.236 сўмга тенг бўлган 8900 АҚШ долларлик мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, тақинчоқларни Самарқанд шаҳар “Зебо” заргарлик савдо масканидаги сотувчиларга сотиб, жиноий йўл билан эгаллаган пулларни ўзининг шахсий манфаатлари йўлида сарфлаб юборган.



Судланувчи Ғ.Т.Туракулов суд мажлисида айбига тўлиқ иқдорлик билдириб ўзининг кўрсатувида, ҳақиқатдан ҳам 2024 йил сентябрь ойдан Самарқанд шаҳар нодавлат “Зармед” тиббиёт олийгоҳининг Фармация йўналиши 1 босқичи талабаси сифатида таҳсил олишлигини ва гуруҳ сардори эканлигини, улар билан 106 ўзбек группасида Ахророва Фируза ҳам таълим олиб келишлигини, Ф.Ахророва 106 гуруҳнинг сардори эканлигини, ўқишлари вақтида деканат кўпинча ташкилий ишлар, яъни талабаларни ўқишга келиб кетиши ва бошқа ўқиш билан боғлиқ ишларни уларга юклаганлигини, шунинг учун ҳам Ф.Ахророва билан ташкилий ишларда иштирок этиб келганликлари, Ф.Ахророва билан муносабатлари дўстона бўлганлиги, 2024 йил октябрь ойида Ф.Ахророва унга пул борлигини ва “оборот” қилиб кўпайтирайлик деб таклиф берганлигини, унга тадбиркорлик қилиш учун кўп пул керак деб айтганида, Ф.Ахророва пул топишини айтганлигини, шунингдек Ф.Ахророва отаси АҚШда, баъзан унга пул юбориб туришлигини айтганлигини, 2024 йил 7 ноябрь куни эрталаб институт олдида уни “Нексия-1” машинасида ўтирганида Фируза ҳам шу ерда бўлганлигини, шу пайт у машинадан тушган пайтида машина салон қисмига 100 АҚШ доллари купюрасидаги бир қанча пулларни ташлаб кетганлигини, у машинага ўтирганида, бу пулларни кўрганлигини, санаб кўрганида 7.000 АҚШ доллари бўлганлигини, унга пулларни “оборот” қилиш учун деб айтганлигини, шу куни Ф.Ахророва берган пулга Файзиев Мирозоддан 5500 АҚШ долларига 2010 йилда ишлаб чиқарилган “Ласетти” русумли автомашина сотиб олиб, 8 ноябрь куни ўзининг номига расмийлаштирганлиги ва 30Т738ОВ давлат рақами олганлигини, бу ҳақда Ф.Ахроровага айтмаганлигини, 2024 йилнинг 15 ноябрь куни эрталаб ўқишга келганлигини, соат 08-00лар атрофида институтининг кириш эшиги олдида Ахророва Фирузани учратганлиги, Фируза пулга зарур бўлиб қолганлигини тилла узугини ечиб шуни сотмоқчилигини бирон-бир таниши борлиги ҳақида сўраганлиги, унга сотиб оладиган дўконлар “Зебо” савдо маркази олдида кўп деб айтганлиги, Ф.Ахророва “мен қизболаман, одамлар ҳар хил ўйлайди, шуни битта сотиб беринг” деб илтимос қилганлиги ва бориб-келгани, вақти кетгани, йўл кирасини беришини айтиб жон-ҳолига қўймаганлиги учун рози бўлганлигини ва ундан ўша узугини олиб қўйганлигини ва дарсдан сўнг “Зебо” савдо маскани ёнида жойлашган дўконларнинг бирига борганлиги, граммни 620 минг сўмдан ҳисоблаб 1.860.000 сўмга сотганлигини, пулларни Фирузага келтириб берганлигини, Фируза унга узукни сотгани учун 620.000 сўм пул берганлиги, орадан тахминан 4-5 кун ўтиб Фируза яна олдига келганлиги ва битта сирға, битта узукни чиқариб унга яна сотиб беришини илтимос унга “ҳаммаси ўзимники” деб уни ишонтирганлиги, битта узук билан битта сирғани 3 млн.100 минг сўмга сотганлиги ҳамда тақинчоқларни пулини Фирузага келтириб берганлиги, унга 400.000 сўм ва 50 литр 80 маркали бензин олиб берганлиги, 2024 йил 14 декабрь куни эрталаб ўқишга келганлигини, бино олдида Фирузани учратганлиги, унга биттагина билакузуги борлигини шуни ҳам сотиб беришга ёрдам беришини айтганлиги учун, узукни олиб текшириб ўлчаганда 7,2 грамм чиққанлигини ва 4.460.000 сўмга сотганлиги, пулларни Фирузага келтириб берганлигини, Фируза унга 1.400.000 сўм пул берганлиги, ундан сўнг 15-16 декабрь куни ўқишда Фируза билан яна учрашганликлари, у билан 1 та билак узук ва бир дона занжир олиб келганлиги, шуни ҳам сотиб



беришини айтганлиги, шундан сўнг берган нарсаларни текширса, ҳаммаси бюжетерия тақинчоқлар бўлиб чиққанлигини ва уни қайтариб уни қўлига берганлигини, шу куни уни сарсон қилганлиги учун Ф.Ахророва унга 100 АҚШ доллари пулларни ўз ихтиёри билан берганлигини, 2024 йил 20 декабрь куни соат 11-30ларда “Зармед” университетини олдидан уни ички ишлар ходимлари Саттепо масканида жойлашган ички ишлар идорасига олиб келишганликларини, уларга ҳамма бўлган воқеани чин кўнгилдан тан олиб айтиб берганлигини, сотувчи аёлни ҳам кўрсатганлигини, Фируза ўзининг уйдан юқорида кўрсатилган тақинчоқларни ўғирлаб олганлигини билмаганлиги, ҳозирги кунда жабрланувчиларга етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаб берганлигини, қилмишидан пушаймон эканлигини, шу сабабли унга нисбатан енгилроқ жазо тайинлашликни билдириб баёнот берди.

Судланувчи Ғ.Т.Туракулов суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, унинг айби судда сўроқ қилинган жабрланувчи Давронов Азим Давроновичнинг, ҳақиқатдан ҳам онаси Бешимова Умаро, синглиси Давронова Холида ва уни икки нафар эгизак фарзандлари Ахророва Феруза ва Фаризалар Самарқанд шаҳар Хўжа Соат МФЙ 147/45-уйда яшаб келишлари, онаси Бешимова Умарога қизини никоҳ тўйини қилиш учун тўплаб келаётган 8.000 АҚШ доллари пулларини сақлаб келиш учун берганлигини, онаси ушбу пулни уйнинг балконидаги “уголок” мебели остидаги сандиқ ичида кошелёк ичида сақлаб келишини билганлигини, бир кун онасини хабар олиш учун келганлиги, онаси билан салом алик қилиб, ҳол аҳвол сўраб, хайрлашиб чиқиб кетганлиги, йўлда кетаётганида, онаси унга кўнғироқ қилиб, ҳаяжонланиб уйда сақлаб келаётган уни пуллари жойида йўқлигини айтганлиги, шунда онасини уйига қайтиб борганлиги, синглиси Холида ҳам қайтиб келганлиги, онаси унга сақлаб келаётган жойида кошелёк турганлигини бироқ, 8.000 АҚШ доллари жойида йўқлигини айтганлигини, онаси охири марта 1 ноябрь куни пулни шу жойда аниқ турганлигини кўрганлигини айтганлигини, жиянларидан ҳам сўрашганликлари, лекин улар олмаганлигини айтишганликлари, кейин 12 ноябрь куни ўзи 2-сонли ИИБга бориб хабар берганлигини, ИИО ходимлари келишганликлари, ҳолатни кўришиб, эшик бузилган-бузилмаганлигини сўрашганида, эшик бузилмаганлигини, улар ҳамма жойни кўришганликлари, лекин эшик бузилмаганлигини, ушбу пул уй аъзоларидан бирортаси олган бўлиши мумкинлигини, чунки уй бешинчи қаватда жойлашганлигини, уйга кириш имкони йўқлигини, текширишларини айтишганликларини, шундан сўнг ИИО ходимлари суриштирув олиб боришганликлари, лекин пул топилмаганлиги, 2024 йил декабрь ойининг ўрталарида синглисидан 7 ноябрь куни эрталаб уйдан жияни Феруза 8000 АҚШ долларини олганлигини, шунингдек онасини ва синглисини 4 та тақинчоқларини ноябрь ва декабрь ойларида яширинча олиб бориб берганлигини, ушбу буюмларни ҳаммасини курсдоши Ғолибга берганлигини айтганлигини унга айтганлиги, кейин жияни Ферузани ИИБга чақиришиб ҳолатни сўраб олишганликларини, кейин курсдоши Ғолибни ҳам чақиришиб сўрашганида, у ҳам қилган ишини тан олиб пулларни олиб ишлатиб юборганлигини айтиб берганлигини эшитганлигини, кейин ИИБ биносида Ғолибнинг отаси Толиб ака унга пулларни ҳақиқатан ҳам ўғли ёшлиқ қилиб олганлигини айтганлигини, тергов давомида, унга ва онасига етказилган



моддий зарар тўлиқ қопланганлиги сабабли ҳеч кимга нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб баёнот берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи Бешимова Умаро Хикматуллаевна ўзининг кўрсатувида, судда сўроқ қилинган жабрланувчи А.Д.Давроновнинг кўрсатувларини тўлиғича тасдиқлаб, унга ўхшаш кўрсатув бериб, ҳақиқатдан ҳам уни икки нафар фарзанди борлигини, катта ўғли Давронов Азим алоҳида хўжаликда ўз оиласи билан яшаб келишлиги, ўғли Азим қурилиш корхонасида сотув бўлимида ишлаб келишлиги, ўғли ишлаб топган пулларини унга берганлигини, уни пулларини тўплаб берганлиги, синглиси Холмухамедова Гулжаҳон Исроил давлатида ишлаб келишлиги, синглиси Гулжаҳон 2024 йил сентябрь ойида 1500 АҚШ доллари пулларни юборганлиги учун уни ўғли унга олиб келиб берганлигини ва у пулларни олиб ўғлини пулини сақлаб келаётган пулга қўшиб қўйганлиги, жами 9500 АҚШ доллари бўлганлиги, пулларни балкондаги “уголок” остидаги кутида, тугунларни остида кошелёк ичига солиб қўйганлиги, пулларни шу ерда сақлаб келаётганлигини оила аъзоларининг барчаси билишганликлари, 2024 йил 1 ноябрь куни Исроилдаги синглиси Гулжаҳон унга телефон қилиб, уни гаштак ўйнаётганлигини, дугонасини эри унга телефон қилиб келишини ва гаштак пули сифатида аввал берган 1500 АҚШ долларини чиқариб беришини айтганлиги учун сақлаб келаётган кошелёк ичидан 1500 АҚШ долларини олиб берганлигини, мазкур пуллардан 8.000 АҚШ доллари қолганлиги, шундан кейин 2024 йил 11 ноябрь куни унга пул кераклиги учун сақлаб келаётган жойни қараса, кошелёк турганлиги, лекин ичида ҳеч нарса бўлмаганлиги, у хайрон қолганлиги, аввалига ҳамма оила аъзоларидан невараларидан сўраганлиги, лекин ҳеч ким олмаганлигини айтганлигини, 13 ноябрь куни ўғли Давронов Азим ИИОга хабар берганлиги, 2024 йил декабрь ойининг тахминан 20 кунда қизи Холида ҳаммомга ювиниш учун кириб, кириш олдидан кулоғидаги сирғани шкафга ечиб қўйганлиги, маълум бир вақтдан сўнг сирғасини олиб кулоғига тақмоқчи бўлганида, лекин жойида йўқлигини, сирғани жойида йўқлиги учун излай бошлаганлигини, шу вақтда музлатгич устида турган кошелёгини ҳам кўрганлигини, уни ичида 100 АҚШ доллари бор бўлганлиги, бироқ кошелёг ичидаги 100 АҚШ долларини ҳам йўқолганлигини кўришганлиги, шунда у дарров пул ва тақинчоқ йўқолганлиги буйича неваларидан гумон қилганлиги ва Феруза неварасини қистовга олиб, уни урганидан сўнг у ёстиғи остидан қизи Холидани сирғасини чиқариб берганлигини, 100 АҚШ долларини Феруза олиб, бирга ўқийдиган Голиб исмли йигитга олиб бориб берганлигини айтганлигини, шундан кейин ундан 8000 АҚШ долларини ҳам у олганлигини сўраганида, у йиғлаб ҳақиқатан ҳам 8000 АҚШ долларини ҳамда унга тегишли ва қизи Холидани 4 та тақинчоқларини ноябрь ва декабрь ойларида яширинча олиб бориб берганлигини, Голиб унга онаси касал бўлганлигини, Россияга пул юборганлигини, ўзи саратон касаллигига чалинган бўлганлиги учун пул сўраганида унга раҳми келиб яширинча ҳеч кимга билдирмасдан пул ва тақинчоқларни бўлиб бўлиб олиб бориб берганлигини айтиб берганлиги, шундан сўнг тақинчоқлар сақланадиган жойни текширганида ҳақиқатан ҳам 1) АҚШ долларлик 1 дона қадимий никоҳ узуги, 1 дона 5 дона тошчали узук сирға комплект 300 АҚШ долларлик, бир дона 300 АҚШ долларлик аёллар



билак узуги жами 4 дона тақинчоқлар жойида йўқлигини билганлиги, шундан кейин бу ҳақида ИИОга хабар беришганликлари, ИИОда Туракулов Ғолиб исмли йигитни ИИБ ходимлари олиб келишганликлари ва ундан сўрашганида ҳақиқатан ҳам невараси Феруза билан бирга ўқишини, у 1 курсни умумий сардори эканлигини, пул ва тақинчоқларини олганлигини айтиб берганлиги, тергов давомида унга ва ўғлига етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги сабабли ҳеч кимга нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб баёнот берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ Ахророва Фируза Ақобировна ўзининг кўрсатувида, ҳақиқатдан ҳам у 2024 йил сентябрь ойида Самарқанд шаҳридаги “Зармед” хусусий университетига 1 босқичига ўқишга кирганлигини ва ўқиш давомида Туракулов Ғолиб билан танишиб қолганлигини, у билан дўстона муносабатда бўлишганлиги, 2024 йил ноябрь ойининг бошларида Туракулов Ғолиб унга пул керак бўлаётганлигини, шунинг учун пул топиб беришини илтимос қилиб сўраганлиги, унга пули йўқлигини айтганлигини, шунда уйдагиларини тилло тақинчоқларини олиб келиб беришини ва ушбу тақинчоқларни сотиб фойдаланиб, кейинчалик пулни қайтариб беришини айтганлигини, шундан сўнг у Ғолибга ишонганлиги учун ва у уни ўзига яқин дўст сифатида олганлиги учун уни илтимосини бажариш мақсадида 2024 йил ноябрь ойининг бошларида кечқурун уйда бўлган вақтида уйларининг кириш эшиги ёнидаги шкафлар ичида сақланувчи кути ичида бувиси ва ойисининг тақинчоқлари сақланишини билганлиги учун ушбу кути ичидан билдирмасдан ойиси бувиси Умаронинг бир дона аёллар узугини олиб, эртаси куни Ғолибга ўқишга 1 дона узукни берганлиги, Ғолиб узукларни олиб уни “Зебо” заргарлик савдо дўконига сотишини айтганлигини, орадан озроқ вақт ўтганлигини, уйдан узук йўқолганлигини ҳеч ким билмаганлиги, 2024 йил 6 ноябрь куни Ғолиб унга унинг иккита онаси борлигини, ҳақиқий тукқан онаси ҳозирда Россия Федерациясида эканлигини, у оғир касаллигини, уни даволатиш учун пул кераклигини, 10.000 АҚШ доллари зарурлигини, унга дарҳол юбормаса уни аҳволи оғирлашишини, уни руҳий касалхонага ётқизишларини унга йиғлаб айтиб берганлигини, уни йиғлашини кўриб, унга ишониб, раҳми келганлигини, лекин унда унча катта миқдорда пули йўқлигини айтганлигини, унга топиб беришини, 3-4 ой ишлаб кейин қайтаришини илтимос қилганлигини, шундан кейин у Ғолибнинг гапларига ишониб, уни ўзига яқин дўст билганлиги учун унга пул топиб беришини айтганлигини, эртаси куни 7 ноябрь куни эрталаб уйдан чиқишдан олдин уйнинг “уголок” остида бувиси сақлаб келаётган Азим тоғасининг кўп миқдордаги пули борлигини билиб, уйдагиларга билдирмасдан ушбу пулларни олганлигини, пулларни барчаси 100 АҚШ долларлик пуллар бўлганлигини, деярли бир тахлам бўлганлигини, у пулларни санамаганлигини, чунки уйнинг бошқа хонасида бувиси ва синглиси бўлганлигини, улар билиб қолмаслиги учун уни ўзини ёнига яшириб, пулни ўқиш жойига олиб келганлигини ва Ғолибга телефонда айтганлигини, у машина ёнига келишини айтганлигини, унга пулни машина ичида целофан пакетга солиб орқа ўриндикқа қўйишини айтганлигини, у эса машинасидан тушиб, дўконга кириб кетганлигини, шунда пулни целофанга солиб ўриндик устига қўйганлигини, бироздан сўнг Ғолиб қайтиб келганлиги ва пулни олиб санаб кўрганлигини, 8.000 АҚШ доллари экан деб айтганлигини, у ҳар бир қадамни эҳтиёт қилиб юрганлигини ва шу туфайли пулни ҳам қўлидан олмасдан ўриндикқа қўйишини



уларни ишончга сазовор объектив далиллар деб топиб, судланувчи Ғ.Т.Туракуловнинг айбини исботловчи мақбул далиллар деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Ғ.Т.Туракуловнинг фирибгарлик, яъни ўзганинг кўп миқдордаги мулкани алдаш ёки ишончини суиистеъмом қилиш йўли билан қўлга киритишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Ғ.Т.Туракуловга жазо тайинлашда айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, етказилган зарарни бартараф этганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазосини енгиллаштирувчи ҳолат деб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазосини оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд эмас деб баҳолайди.

Суд, судланувчи Ғ.Т.Туракуловга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, унинг айбига тўлиқ иқрор бўлиб қилмишидан пушаймон эканлигини, ёшини, етказилган зарарни қоплаб берганлиги ва зарар мавжуд эмаслигини инobatга олиш билан биргаликда, содир этган жиноятларининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 май кунидаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги № 4-сонли Қарорининг 9-бандидаги “Судлар шунга эътибор беришлари керакки, Жиноят кодекси Махсус қисмининг қатор моддалари нормаларида муайян шарт мавжуд бўлиб, унга кўра: ЖК 167, 168, 170, 184-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун-жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланган тақдирда, маҳкумга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг қўлланилиши истисно этилади деган ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунидаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 15-бандидаги “Судларга жарима тариқасидаги жазо турини нафақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар, балки оғир жиноятлар содир этишда айбдор деб топилган шахсларга нисбатан ҳам, агар бу жазо қонун санкциясида назарда тутилган бўлса, кенгроқ қўллаш тавсия этилсин” деб қайд этилган раҳбарий тушунтиришларига риоя қилиб, у содир этган жинояти учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 5-қисмида “етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди” деб кўрсатилган талаблардан келиб чиқиб, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳуқуқий баҳолаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасидаги “Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак”лиги ҳақидаги инсонпарварлик принципига риоя этиб, судланувчи Ғ.Туракуловнинг шахсини, ёшини, айбига иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, талаба эканлигини, оилавий аҳволини, зарар тўлиқ қопланганлиги ва жабрланувчиларни даъволари йўқлиги ҳолатларни у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий



камайтирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, унга нисбатан содир этган жинояти учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми санкциясида назарда тутилган жарима жазосини энг кам қисмидан ҳам камрок жазоси тайинлашликни лозим деб топади.

Суд, жиноят иши юзасидан ашёвий далил сифатида эътироф этилган судланувчи Ғ.Туракуловнинг телефонидаги маълумотлар туширилган 24 варақдан иборат фотосуратлар жиноят ишига қўшилиб, жиноят иши ҳужжатларида сакланиб келинаётганлигини эътироф этиб, уларни муҳокамадан қолдиришликни, фуқаро Ғ.Ахроровага тегишли бўлган “Galaxy 32” уяли телефон аппарати, тергов вақтида тилхат орқали қайтариб берилганлигини эътиборга олади.

Шунингдек, ашёвий далил сифатида эътироф этилган Самарқанд шаҳри бўйича ИИО ФМБ ДАСХга вақтинча саклаб туришлик учун топширилган судланувчи Ғ.Туракуловга тегишли бўлган бир дона “Redmi Note 8” русумли уяли телефон аппарати ҳукм қонуний кучга кирганидан кейин Ғ.Туракуловга қайтаришликни.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211, 454-457, 463, 465-468, 471-473, 476 -моддаларига амал қилиб, суд ҳукм қилади,

Ҳ У К М :

Судланувчи **Туракулов Ғолиб Толибович** (Turakulov G'olib Tolibovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” банди билан, ЖК 57-моддасини қўллаб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 (юз) баравари миқдоридан, яъни 37.500.000 (ўттиз етти миллион беш юз минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Туракулов Ғолиб Толибовичга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин ва гаров сифатида қабул қилинган баҳоси жами 7.566.000 (етти миллион беш юз олти миш олти минг) сўм бўлган бир дона “ACER” русумли ноутбук, бир дона “HONOR X5” ва бир дона “REDMIO NOTE 13” русумли телефон аппаратлари Ғ.Туракуловга қайтарилсин.

Самарқанд шаҳри бўйича ИИО ФМБ ДАСХга вақтинча саклаб туришлик учун топширилган судланувчи Ғ.Туракуловга тегишли бўлган бир дона “Redmi Note 8” русумли уяли телефон аппарати ҳукм қонуний кучга кирганидан кейин Ғ.Туракуловга қайтарилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ва ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи, жабрланувчи ва жабрланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов хайъатига шикоят бериши ёки прокурор протест билдиришга ҳақли эканлиги пунтирилсин.



**Раислик қилувчи:
“аслига тўғри”
Жиноят ишлари бўйича Самарқанд
шаҳар судининг судьяси:**

З.Ахмедова

З.Ахмедова

Ҳужжат имзоланган: Ахмедова Зарифа Хусановна, 09.04.2025

